O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 19 - iyul 359-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Фориш туманидаги “Кўктепа Экотуризм” хусусий корхонасига тегишли ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қисман қайтариш ва давлат рўйхатига олиш ҳамда “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”га ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 14 июлдаги 01/019-1174-сонли ва Фориш тумани ҳокимининг 2022 йил 6 июлдаги 01-497-сонли хатлари ҳамда “Кўктепа Экотуризм” хусусий корхонаси раҳбари Э.Давлетовнинг розилик аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5- ва 36-моддалари ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 14 июлдаги 01/019-1174-сонли ва Фориш тумани ҳокимининг 2022 йил 6 июлдаги 01-497-сонли хатлари ҳамда “Кўктепа Экотуризм” хусусий корхонаси раҳбари Э.Давлетовнинг розилик аризаси инобатга олинсин.

2. Фориш тумани “Эгизбулоқ” МФЙ ҳудудидаги туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобидан “Кўктепа Экотуризм” хусусий корхонасига ажратиб берилган ер майдонларидан хўжалик харитасининг 119^{а}қ-, 120қ-, 122қ- ва 123қ-контурларидаги жами 99,3 гектар, шундан 99,3 гектар яйлов ер майдони туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилсин.

3. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан “Кўктепа Экотуризм” хусусий корхонасининг ҳисобида туманнинг “Эгизбулоқ” МФЙ ҳудуди хўжалик харитасининг 118қ-, 119^{а}қ-, 120қ-, 121-, 122қ-, 123қ- ва 780-контурларида экотуризмни ривожлантириш учун 250,7 гектар яйлов, 1-, 2-, 10-, 12-, 15-, 17-, 18-, 19-, 22- ва 26-контурларида чорвачиликни ривожлантириш учун 220,0 гектар яйлов, 42- ва 44-контурларида 30,0 гектар лалми жами 500,7 гектар, шундан 470,7 гектар яйлов ва 30,0 гектар лалми ер майдонлари қолган деб ҳисоблансин.

4. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**)га захирага қайтарилаётган ер майдонини давлат мулки сифатида давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Б.Бобоқулов**), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**), “Жизвилерлойиҳа” вилоят бўлинмаси (**К.Холмуродов**), Фориш тумани ҳокими **(И.Матиев)** билан биргаликда захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётган мазкур ер майдонини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш чораларини кўрсин.

6. Фориш тумани ҳокими **(И.Матиев) уч кун ичида** 99,3 гектар ер майдонининг захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётганлиги туфайли “Кўктепа Экотуризм” хусусий корхонаси раҳбарини огоҳлантирсин.

7. Фориш тумани ҳокими **(И.Матиев)**га ўз розилик аризаси билан ер майдонини қисман захира ерлар ҳисобига қайтараётган “Кўктепа Экотуризм” хусусий корхонаси билан тузилган “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”га ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

8. Барча хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар раҳбарларига “Кўктепа Экотуризм” хусусий корхонасининг ер майдони Фориш тумани захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қисман қайтарилиши муносабати билан ўзаро ҳисоб-китобларни қайта кўриб чиқсин.

9. “Кўктепа Экотуризм” хусусий корхонаси томонидан ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганлиги тўғрисидаги аризанинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов,** бошқарма бошлиғи ўринбосари **И.Эргашев** ҳамда Фориш тумани ҳокими **И.Матиев**лар зиммасига юклатилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **О.Ашурматов** ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**